

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВ ФАРРУХ ДЎСТМИРЗАЕВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Қашқадарё вилояти мисолида)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Жўраев Фаррух Дўстмирзаевич

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва
бошқаришни эконометрик моделлаштириш (Қашқадарё вилояти
мисолида) 3

Жураев Фаррух Дустмирзаевич

Эконометрическое моделирование развития и управления
сельскохозяйственным производством (на примере Кашкадарьинской
области) 29

Juraev Farrukh Dustmirzaevich

Econometric modeling of development and management of agricultural
production (on the example of Kashkadarya region)..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВ ФАРРУХ ДЎСТМИРЗАЕВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Қашқадарё вилояти мисолида)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1582 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муҳитдинов Худояр Суюнович,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.

Расмий оponentлар:

Бойхонов Баходир Турсунбоевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.

Абдуганиев Отабек Аллажонович,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» апрель соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс(99862)

224-57-00; e-mail: info@urdu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0281 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «18» март кунин тарқатилди.
(2022 йил «18» март даги 24 рақамли реестр баённомаси).



И.С. Абдуллаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ш.Б. Рузметов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

Б. Рузметов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ресурслар, хусусан табиий ресурслар танқислиги кучайган бир шароитда дунё аҳолисини экологик тоза ва керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарблик касб этмоқда. Кейинги йиллардаги иқтисодий тебранишлар мазкур муаммони аҳамиятини янада оширди, яъни COVID 19 пандемияси 2020 йилда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улушини 1,5 фоизга ошишига сабаб бўлди¹. Умумий фаравонликни ошириш, қашшоқлини тугатиш, кам даромадга эга бўлган аҳоли даромадларини оширишда қишлоқ хўжалиги муҳим восита сифатида қаралмоқда².

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги барқарор ривожини таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланишнинг мақбул нисбатларини аниқлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқарувни ташкил қилишда эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда оптимал ечимларга эга бўлиш, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир илмий тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда қишлоқ хўжалигига бошқарувнинг замонавий усуллари, маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларига янги технологияларни жорий қилган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисини турмуш фаравонлигини масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”³ каби қатор вазифалар белгиланган. Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор йўналиши бўйича белгиланган вазифалар доирасида, хусусан, деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни тежаш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш, чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5–2 баравар кўпайтириш, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини 1 млрд долларга ошириш режалаштирилган.⁴ Натижада, қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришда замонавий тадқиқот усуллари,

¹ Электрон манба: <https://www.fao.org/state-of-food-security-nutrition/en>

² Электрон манба: <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

⁴ Электрон манба: <https://strategy.uz/index.php?category=infog> / “Тараққиёт стратегияси” маркази.

эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда соҳа тараққиётининг истиқболли йўналишларини белгилаб бериш масалаларига бағишланган илмий изланишларни янада кенгайтириш муҳимлик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда⁵ белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги ҳар бир мамлакатнинг асосий таянч тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги барча мамлакатларда ҳам аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, бирламчи эҳтиёжларини қондиради. Шу сабабли тармоқни ривожлантириш борасида дунё миқёсида кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилган. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг математик-статистик моделлаштириш услубиёти, аграр соҳанинг иқтисодий таҳлили ва эконометрик моделлаштириш ва оптималлаштириш масалалари йирик хорижий олимлардан К.Макконнелл, С.Брю, М.Трейси, С.Санчес, Р.М.Салоу, М.В.Русинг, Х.А.Лофгрэн, Э.Крае, Г.Б.Клейнер, С.А.Смоляк, Н.Ю.Вайнштейн, Э.Хеди, Д.Диллон, Т. Литтл⁶ ва бошқаларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган. МДХ мамлакатлари олимларидан О.П.Крастинь, А.Л.Желясков, В.Бессанов, И.И.Елисеева, А.Алекперов, Б.И.Смагин, Г.Я.Марьяхин, А.М.Гатулин, Г.В.Гаврилов, Т.М.Сорокина, М.М.Тунеев, С.А.Андрющенко⁷ ва бошқаларнинг

⁵ www.lex.uz /Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси

⁶ Макконнелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика в 2 т.: Пер. с англ. Т.2-Таллин, 1993. Стр.400; Трейси М. Сельское хозяйство и продовольствие в экономике развитых стран. Введение в теорию, практику и политику. Пер. с англ. Санкт Петербург: Экон.шк., 1995.– стр.431; Solow R.M. Growth theory: an exposition (2nd edition). Oxford University Press, Oxford, 2000., С.Sanchez, M.V.Rising inequality and falling poverty in Costa Rica’s agriculture during trade reform. A macro-micro general equilibrium analysis, Maastricht: Shaker, 2004., Lofgren H. A Standard Computable General Equilibrium Model in GAMS. IFPRI. Washington, 2002, www.ifpri.org, Krae E. Modeling macroeconomic and distributional impact of stabilization and instrument packages: current literature and challenges, CEPA Working paper 2003–2006, New York. New School University, www.newschool.edu.cepa. Клейнер, Г.Б. Эконометрические зависимости: принципы и методы построения/Г.Б.Клейнер, С.А.Смоляк.– М.:Наука, 2000 –104с., Вайнштейн, Н.Ю. Моделирование и оптимизация аграрно-промышленных образований / Н.Ю.Вайнштейн, С.Е. Ильюшонок.-Новосибирск: Наука, 1985.– 246с., Хеди Э., Диллон Д. Производственные функции в сельском хозяйстве. – М.: «Прогресс», 1965.– стр 465., Литтл, Т. Сельскохозяйственное опытное дело. Планирование и анализ / Т. Литтл, Ф. Хиллз. – М.: Колос,1981. –319с

⁷ Крастинь, О.П. Методы анализа регрессий и корреляций при определении агроэкономических функций / О.П. Крастинь. – Рига: Изд-во ЦСУ Латвийской ССР, 1970. – 348с., Желясков А.Л., Методы линейного программирования при выполнении земельно-кадастровых работ [Текст]: учебно-методическое пособие по дисциплине «Экономико-математические методы и моделирование» /А. Л. Желясков, Н.П. Шалдунова, О.А. Шестакова; М-во с. - х. РФ, ФГБОУ ВПО «Пермская ГСХА», 2013. – 68с., Бессанов В. Анализ краткосрочных тенденций в российской экономике: как рассеять «туман настоящего» // Ж.: «Вопросы экономики», 2011, №2, с.

илмий ишларида келтирилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан бир қанча илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бундай илмий ишлар муаллифлари қаторига С.С.Ғуломов, Б.Б.Беркинов, С.В.Чепель, Б.Т.Салимов, М.Қ.Пардаев, Р.Х.Эргашев, Т.Ш.Шодиев, О.Зокиров, С.Ғафуров, Ў.П.Умурзоқов, Қ.А.Ҳасанжонов, А.А.Абсаматов, Н.М.Махмудов⁸ ларни киритиш мумкин. Улар ўз илмий ишларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳар томонлама ёндашганлар.

Мазкур олимларнинг тадқиқотларида қишлоқ хўжалиги тизимидаги мулкый ислохотларнинг тадрижий ривожланиши кенг миқёсда эконометрика ва статистик таҳлил этилиб, илмий ёндашувлар асослаб берилган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Аммо мазкур тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқариш даражасида эконометрик тадқиқотларини ташкил қилиш ва такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатларига етарли эътибор берилмаган. Шу сабабли илмий изланишларнинг амалга оширилмаганлиги диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Қарши мухандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва

93–108., Елисеева И.И. Эконометрика. М.: Финансы и статистика, 2007, с.61–62, А.Алекперов, М.Багиров. Методологические вопросы долгосрочного прогноза экономики региона. "Известия" АН Азербайджанской ССР, серия", Экономика" №3, 1981., Экономический анализ и статистическое моделирование аграрного производства. Монография./Б.И.Смагин.-Мичуринск: Изд-во МичГАУ, 2007.–153 с., Марьяхин, Г.Я. Производительность труда в сельском хозяйстве: факторный анализ и прогнозирование/Г.Я.Марьяхин.-М.:Экономика,1983.–168с., Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве / А.М. Гатаулин, Г.В. Гаврилов, Т.М. Сорокина и др.; Под ред. А.М. Гатаулина. – М.:Агропромиздат,1990.–432с., Тунеев, М.М. Экономико-математические методы в организации сельскохозяйственного производства / М.М. Тунеев, В.Ф. Сухоруков. – М.: Колос,1977. –224с., Андрющенко, С.А. Прогноз сбалансированного развития регионального АПК(программный аспект) / С.А. Андрющенко.- М. Наука, 1990. –160с.

⁸ Гулямов С.С. и др. Системный анализ эффективности производства в рыночных условиях. – Т.: "Мехнат", 1992; Беркинов Б.Б. Новые формы кооперации в АПК.// Экономический вестник Узбекистана. – 1999, №5, С24-27; Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана:Чепель С.В. / Монография / Ташкент: IFMR, 2014. – 316 с; Пардаев М.Қ. Бозор иқтисодиёти шароитида мехнатга оид тушунчалар. – Самарқанд, Эргашев Р.Х., Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, - Тошкент, 2011 й. Extremum Press, 2011, 416 б., Шадиёв Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. – Т.:Фан, 1986. -С.168; Зокиров О., Ғофуров С. Шахсий ёрдамчи хўжалик ва ундан самарали фойдаланиш. – Т.: "Ўзбекистон", 1982 й., Мўминов А. Шахсий томорқа хўжалигининг имкониятлари. – Т., 1989 й.; Ҳасанжонов Қ.А., Н.М.Махмудов, М.Т.Асқарова, I.Yu.Umarov. Makroiqtisodiy tahlil v a prognozlash. Darslik. - Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 288 bet.

бошқаришни моделлаштириш назарий ва услубий асосларини тадқиқ қилиш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни кластер тизимида моделлаштиришнинг услубий асосларини тадқиқ қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг хориж тажрибалари таҳлилий ўрганиш ҳамда уларни Ўзбекистонга мослаштириш имкониятларни аниқлаш;

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденциялари статистик таҳлилин аналга ошириш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланишини тренд моделлар асосида баҳолаш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва улар орасидаги боғланишларнинг эконометрик усуллар ёрдамида баҳолаш;

қишлоқ хўжалигида чегараланган ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оптимал нисбатларини эконометрик моделлар асосида аниқлаш;

вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни кластерли таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда эконометрик моделлаштириш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни кўп омилли эконометрик моделларини ишлаб чиқиш асосида прогноз кўрсаткичларини шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси ва унинг таркибига кирувчи қишлоқ хўжалик корхоналар фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқариш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантикий ва таққослаш усуллари, кластерли таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, математик статистика, математик дастурлаштириш усуллари, корреляцион-регрессион таҳлил, статистик гуруҳлаш, танланма кузатиш, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар ва тармоқ салоҳиятини баҳолашда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилайдиган янги омилларнинг пайдо бўлишини “Смарт қишлоқ хўжалиги” ва маълумотлар платформаси орқали рағбатлантириш таклиф қилинган;

табiiй, ёндош, таъминот, тасодифий омиллар негизида минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни “ўсиш нуқтаси” – ижтимоий иқтисодий, географик, демографик, экологик омилларни умумлаштирган

инфратузилма объектларини ташкил этиш асосида ривожлантириш асослаб берилган;

минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда табиий-ижтимоий-экологик-иқтисодий тизимни тартибга солишнинг микро, мезо, макро, мега-даражаларининг вертикал интеграллашган тузилмаларини умумлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган;

минтақада кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни потенциал ривожлантириш ва бошқаришнинг хусусий тармоқ моделларини умумлаштириш орқали 2022–2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

минтақада “Смарт қишлоқ хўжалиги” негизида ишлаб чиқарувчи субъектларининг интеграциялашган “Смарт ишлаб чиқариш” тизими, аҳоли ва ташкилотлар учун интеграциялашган “Смарт ишлаб чиқариш” электрон платформаси ҳамда унинг ахборот алмашинув модели таклиф этилган;

минтақада табиий, ёндош, таъминот, тасодифий омиллар негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни “ўсиш нуқтаси” – ижтимоий иқтисодий, географик, демографик, экологик омилларни умумлаштирган инфратузилма объектларининг устувор омилли эконометрик моделларини куриш учун таъсир омилларининг 8 та гуруҳи таклиф этилган;

минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, ишлаб чиқарувчи субъектининг фаолиятини оптималлаштириш мисолида микро, мезо, макро-даражаларининг вертикал интеграллашган тузилмаларини умумлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган,

минтақада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурс потенциалидан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларининг кластерли таҳлили асосида потенциал бошқарув, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектининг фаолиятини 4-босқичли оптимал режалаштириш таклиф этилган;

минтақада кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни потенциал ривожлантириш ва бошқаришнинг хусусий тармоқ моделларини умумлаштириш орқали прогноз кўрсаткичлари аниқлиги оширилган ҳамда прогноз вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган илмий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси, Қашқадарё вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Қашқадарё вилоят сув хўжалиги бошқармаси статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар масъул ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Асосий таклифлар ва хулосалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқариш фаолиятини кенгайтирилган ҳолда кўп омилли эконометрик таҳлил қилиш манбасини кенгайтиради ҳамда статистик

ахборотларнинг ишончилиги, тўлиқлик даражаси ва фойдаланувчиларнинг талабларига мос келишини таъминлайди ҳамда истиқболларини прогностлаш имкониятларини кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқариш бўйича қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган тегишли вазифаларнинг ижросида ҳамда прогноз кўрсаткичларини асослашда муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, олий ўқув юртларида иқтисодиёт йўналишидаги “Статистика асослари”, “Макро-микроиқтисодий статистика”, “Эконометрика асослари” фанларини ўқитишда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни эконометрик моделлаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар ва тармоқ салоҳиятини баҳолашда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилайдиган янги омилларнинг пайдо бўлишини электрон платформаси орқали рағбатлантириш таклифи бўйича Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги №05/032-5111 сонли, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил 22 октябрдаги №01/1777 сонли маълумотномалари). Натижада Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги аҳолисининг ҳаёт сифатини оширишда “Смарт қишлоқ хўжалиги” ва маълумотлар платформаси орқали рағбатлантириш имкони пайдо бўлган;

табiiй, ёндош, таъминот, тасодифий омиллар негизида минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни “ўсиш нуқтаси” – ижтимоий инфратузилма объектини ташкил этиш асосида ривожлантириш асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги №05/032-5111 сонли, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил 22 октябрдаги №01/1777 сонли маълумотномалари). Мазкур таклиф ишлаб чиқариш жараёнидаги турли таъсир қилувчи омилларнинг ахборотлашув манбаларини ривожлантириш ва кўламини ошириш бўйича тизимли ёндашиш имкониятини берган;

минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда табiiй-ижтимоий-экологик-иқтисодий тизимни тартибга солишнинг микро, мезо-, макро, мега-даражаларининг кластерли бошқариш тизими асосида умумлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги №05/032-5111 сонли, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил 22 октябрдаги №01/1777 сонли маълумотномалари). Ушбу кластерли бошқариш ишлаб чиқариш субъектларининг истиқболдаги фаолиятини ташкил

этишда, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг оптимал режалаштиришнинг эконометрик моделларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

минтақада кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни потенциал ривожлантириш ва бошқаришнинг хусусий тармоқ моделларини умумлаштириш орқали 2022–2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги №05/032-5111 сонли, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил 22 октябрдаги №01/1777 сонли маълумотномалари). Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 5 та халқаро, 5 та республика илмий анжуманлари материаллари тўпламларида мақола ва тезислар, 8 та илмий журналларда, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 та хориж журналида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий ишнинг янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни эконометрик моделлаштиришнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ислоҳотлар ва ишлаб чиқаришни эконометрик моделлаштириш зарурияти, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни эконометрик моделлаштириш стратегияси, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг жаҳон тажрибаси ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ёритилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бошқаришни тизимли ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлиги тармоқнинг истиқболдаги ролини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири сифатида тадқиқ этилди. Жумладан, ислоҳотлар изчиллигида илмий тадқиқотларнинг, хусусан, эконометрик моделлаштиришнинг аҳамиятига эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини эконометрик моделлаштириш заруриятининг асосий жиҳатлари сифатида биз мураккаб тизимни модел сифатида соддалаштириш ва тадқиқ этишни, талаб ва таклиф моделлари асосида барқарорлик шартларини аниқлашни, захира эҳтиёж кўрсаткичларини прогнозлашни, омилларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлашни, ишлаб чиқаришда қайси усулнинг самарадорлигини иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдорий ўзгаришига кўра аниқлашни, хавфсизлик шароитларининг иқтисодий қонуниятларини ифодалашни, барча тоифадаги ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий фаолиятини баҳолашни, оптимал режалаштиришни, ишончли прогнозлашни, тўғри қарор қабул қилишни таъминлашни ва бошқаларни келтириб ўтдик.

Бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни эконометрик моделлаштиришда жараённинг тизимли ёндошув асосида асосий масалаларини фарқлаш ва натижавий компонентларни умумлаштириш зарур. Айни вақтда моделлаштириш худудини комплекслаштириш учун қўйиладиган муаммоларни тўртта асосий мақсадга бирлаштирамиз. Бунда ташкил этувчилар сифатида оптималлаштириш, ишлаб чиқариш потенциалини аниқлаш, ишлаб чиқариш тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва кўп омилли эконометрик моделлаштириш масалаларини фарқлаймиз. Буларни умумлашмаси эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришни эконометрик моделлаштириш стратегиясини ҳосил қилади (1-жадвал). Мазкур стратегия асосида тадқиқот мақсадини амалга ошириш “Йўл харитаси” тузилди ва вазифалар бажарилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва
бошқаришни эконометрик моделлаштириш
СТРАТЕГИЯСИ⁹**

МОДЕЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИ			
Ишлаб чиқаришни оптималлаштириш	Потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш	Ишлаб чиқариш иқтисодий ўсишининг барқарорлигини баҳолаш	Кўп омилли эконометрик моделлаштириш
МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ БОСҚИЧЛИ ВАЗИФАЛАРИ			
Ишлаб чиқариш ресурслари сарфининг меъёрий талабларини ўрнатиш, натижадорлик кўрсаткичларини таҳлиллаш	Ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича кластерли таҳлил ўтказиш ва худудни кластерларга ажратиш	Ишлаб чиқариш жараёнидаги даврийлик қонуниятларини эконометрик таҳлил қилиш	Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлилинини ўтказиш
Бошқарувчи ва бошқарилувчи меъзонларни ишлаб чиқиш	Кластерлар учун кинетик ишлаб чиқариш функциясини қуриш	Динамик эконометрик моделларни ишлаб чиқиш	Кўп омилли эконометрик моделларни ишлаб чиқиш
Ишлаб чиқаришни оптимал режалаштириш	Ишлаб чиқариш потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш	Ишлаб чиқариш асосий индикаторларининг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш	
МОДЕЛЛАШТИРИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш		Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсишини таъминловчи қонуниятларни аниқлаш, ишончли прогнозларни таклиф этиш	

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири – бу мавжуд потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини оширишдир. Лекин бу ерда асосий масала – бу ишлаб чиқариш потенциалини битта моделда ифодалаш ва у орқали потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашдир. Бу масала бутун бир бир минтақа миқёсида кўриладиган бўлса жараён янада мураккаблашади. Шунингдек, моделнинг эркин ўзгарувчиларини танлаш, яъни потенциал таркибий элементларини аниқлаш етарлича муаммоларни келтириб чиқаради.

Ушбу диссертация ишида ушбу муаммони ечишда илғор хориж тажрибаларига таяниб, ишлаб чиқариш функциядан фойдаландик. Биз Кобб-Дуглас типидagi ишлаб чиқариш функцияси муносиб ечимни таклиф этолмаган ҳолида, ишлаб чиқариш функциялар синфидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга зарурият сездик, ҳамда ушбу кинетик ишлаб чиқариш

⁹ Манба: муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

функциясини таклиф этиш имкониятига эга бўлдик.

$$Y_k = \frac{A_k \cdot Y}{a_0} = A_k \cdot \prod_{j=1}^4 x_j^{\alpha_j} \cdot e^{a_j x_j}, \quad \ln(Y) = \ln(a_0) + \sum_{j=1}^4 a_j x_j + \sum_{j=1}^4 \alpha_j \ln(x_j) \quad (1)$$

Бу ерда x_1 – қишлоқ хўжалиги ер майдони (минг га); x_2 – ўртача ишчилар сони; x_3 – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати; x_4 – айланма маблағлар миқдори (млрд сўм); Y – қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот ҳажми (млрд сўм). Бу модел ёрдамида минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга эришилди, ҳамда самарадорликни ошириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконига эга бўлдик.

Тадқиқотда эътибор қаратилган энг асосий жиҳатларимиздан бири – бу иқтисодий жараён масалаларининг ечими ҳудудий кўламига кўра умумий хусуиятга эга бўлишидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ушбу турли даражаларнинг интеграциялашувини тақоза этиши катта аҳамиятга эгаллигини асослаб бердик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимининг асосий масалаларини ҳудудий кўламига кўра ечиш бўйича қуйидаги схема ишлаб чиқилди (1-расм).

Глобал озиқ-овқат ва хом ашё танқислиги	Мега-даражада ечим таклифи	Макро-даражада жорий этиш	Мезо-даражада жорий этиш	Микро-даражада жорий этиш
Мамлакат ЯИМда қишлоқ хўжалиги улушини ошириш	Мега-даражада жорий этиш	Макро-даражада ечим таклифи	Мезо-даражада жорий этиш	Микро-даражада жорий этиш
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш потенциалидан оптимал фойдаланиш	Мега-даражада жорий этиш	Макро-даражада жорий этиш	Мезо-даражада ечим таклифи	Микро-даражада жорий этиш
Ишлаб чиқаришни оптимал режалаштириш	Мега-даражада жорий этиш	Макро-даражада жорий этиш	Мезо-даражада жорий этиш	Микро-даражада ечим таклифи

1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимининг асосий масалаларини ҳудудий кўламига кўра интеграциялашган тамойил усулида ечиш схемаси¹⁰

Иқтисодий жараёнларда макро даражадаги масаланинг ечимини мезо ёки микро даражада топиш ва уни микро даражада жорий этиш, ёки аксинча йўл тутиш мумкин. Бу механизм қуйидаги қабтий талаблар асосида амалга оширилади:

¹⁰ Манба: муаллиф ишланмаси.

А) қуйилган масаланинг ечимидан кўзланган мақсад микро, мезо, микро даражада умумий бўлиши керак;

В) тадқиқ этилаётган жараён (объект)да бошқарилаётган ёки бошқарувчи элементлар макро, мезо ва микро даражада мавжуд бўлиши ва маълум бир ўлчовда бўлиши керак;

С) тадқиқ этилаётган жараён (объект)нинг асосий хусусияти макро, мезо ва микро даражада сақланган бўлиши керак.

Тадқиқот объектими худудий чекланишга эга эканлигидан келиб чиқиб, турли қамров даражаларининг ўзаро интеграциялашуви асосида ҳал этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимининг икки асосий масаласини интеграллашув тамойили асосида ечиш алгоритмини таклиф этамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимининг оптималлаштириш масаласини интеграллашув тамойили асосида ечиш алгоритмлари¹¹


Қадам	Минтақада ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласини ечиш алгоритми	Ишлаб чиқарувчи субъектлари кесимида минтақанинг оптимал ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш масаласини ечиш алгоритми
1	Минтақанинг ишлаб чиқариш потенциални ташкил этувчиларини шакллантириш	Ишлаб чиқарувчи субъектининг ишлаб чиқариш потенциални баҳолаш
2	Туманлар кесимида кластерли таҳлил ўтказиш ва минтақани ишлаб чиқариш потенциали кўрсаткичларига кўра худудий кластерларга ажратиш	Ишлаб чиқариш ресурслари сарфининг худуд учун меъёрий ўлчовларини ўрнатиш
3	Дастлабки потенциални ташкил этувчилари негизида асосий ишлаб чиқариш ресурсларини танлаш	Ресурс ҳаражатларини маҳсулот турларига кўра аниқлаш
4	Кластерлар кесимида ишлаб чиқариш ресурсларининг ўрта қийматдаги ахборот манбасини шакллантириш	Маҳсулот тури бўйича ҳосилдорлик ва иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш
5	Шакллантирилган ахборот манбаси асосида кластерлар бўйича ишлаб чиқариш функцияларини тузиш	Меъёрий ўлчовлар, ресурс ҳаражатлари, субъект потенциали асосида оптималлаштириш моделларини куриш
6	Ишлаб чиқариш функциялари ёрдамида кластерлар кесимида ишлаб чиқариш потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш	4-босқичли оптималлаштириш режасини тузиш ва режа асосида ҳисобланган модел натижаларини баҳолаш
7	Баҳолаш натижаларини умумлаштириш ёрдамида минтақанинг ишлаб чиқариш потенциални баҳолаш	Баҳолаш натижалари асосида субъектининг маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш фаолиятини оптималликга таҳлил қилиш
8	Таҳлил натижалари асосида потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш	Ишлаб чиқарувчи субъектлари кесимида минтақанинг оптимал ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш

Тадқиқотимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг илғор хориж

¹¹ Манба: муаллиф томонидан тузилган.

тажрибаларини тадқиқ этиш жараёнида кластерли бошқариш тизимини, фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг устуворлиги аниқланди. Хусусан, фермер хўжалиklarини “Смарт қишлоқ хўжалиги” тизимида ривожлантириш негизида кичик ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятини рақамлаштириш, экспорт-импорт, соҳага оид ишлаб чиқариш статистикасини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли доимий иш ўрнига эга бўлмаган аҳолини мавсумий иш билан таъминлаш тизими, ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги интерциялашувни ташкил этиш механизмини яратиш билан боғлиқ муаммоларни ечишга амалий ёрдам берувчи таклифлар ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илғор хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари фонида “Смарт қишлоқ хўжалиги” негизида интеграциялашган “Смарт ишлаб чиқариш” ахборот алмашинув электрон платформаси таклиф этилди (2-расм).




2-расм. “Смарт қишлоқ хўжалиги” негизида интеграциялашган “Смарт ишлаб чиқариш” электрон платформасининг ахборот алмашинув модели¹²

“Смарт ишлаб чиқариш” ахборот алмашинув электрон платформасининг таркибий тузилмасида ундан фойдаланувчилар шартли равишда 2 тоифага ажралади, яъни, ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли. Платформанинг хизмат доираси айти шу блокларга фарқланади. Умумий модулар: фойдаланувчини рўйхатга олиш модули 2 тоифа учун алоҳида бўлиб, унда асосий жиҳат сифатида ишлаб чиқарувчилар сонини назорат қилишга устуворлик берилган; платформа дизайнни қурилмага мос формасига ва дизайнга ўтказишни таъминлайди; битимлар модулида расмий ва норасмий шартнома лойиҳалари тузилади, бу ерда ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун алоҳида категориялар мавжуд бўлиб, субъектлар ўртасидаги интеграцияни таъминлашга, мавсумий ишловчи аҳолига иш берувчи билан қўлай келишувларга эришишига устуворлик берилган; эълонлар модули худуд қишлоқ хўжалигига оид иш ўринлари, техник-технологик янгиликлар каби соҳавий эълон маълумотлари учун мулжалланган

¹² Манба: муаллиф ишланмаси.

бўлиб, ишлаб чиқарувчи субъектлар ҳамда аҳоли учун муҳим ахборот базасини ташкил этади; маълумотларни киритиш ва олиш модулида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш статистикасини шакллантиришга устуворлик берилган бўлиб, ёрдамчи деҳқон хўжаликлари, жумладан уй хўжаликлари ишлаб чиқаришига оид статистик маълумотларни шакллантиришга замин яратади; хизматлар модули ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли томонидан таклиф этилаётган хизматлар ҳақида маълумотлар жамланмасини ташкил этади; таклифлар модули ҳар икки тоифанинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва соҳага доир таклифларини киритиш имкониятини беради. Платформада фақат ишлаб чиқарувчи субъектларининг шахсий кабинети бўлишига йўл қўйилади. Бу модул идентификациялаш, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар тоифасининг шахсий маълумотларини тўплаш вазифасини бажаради. Ижарачи, алоқа, режалаштириш модуллари ишлаб чиқарувчи тоифалари ўртасидаги кўп функцияли интерциялашув жараёнини ташкил этишга мўлжалланган бўлиб, уларнинг функционалик марказида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини тизимли-потенциал ривожлантиришда ишлаб чиқариш субъектларининг ҳамкорлигини ташкил этишга имкониятларни кенгайтириш этади (3-расм).



3-расм. Интеграциялашган “Смарт ишлаб чиқариш” ахборот алмашинув электрон платформаси (чапда), Интеграциялашган смарт ишлаб чиқариш тизими (ўнгда)нинг структуравий схемаси¹³.

Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва “Смарт қишлоқ хўжалиги” тизимига ўтиш шароитида ушбу платформа, ривожланишда фермер хўжаликлари устуворлигини ва кичик ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти ривожланиш талабларидан ортда қолмаслигини таъминлаш, кластер тизими

¹³ Манба: муаллиф ишланмаси.

фаолиятида кўлайликларни ошириш, ишлаб чиқарувчи тоифалари ўртасидаги интеграциялашув жараёнини ташкил этиш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш йўлида хизмат қилувчи воситалардан бири сифатида аҳамиятлидир.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланишларнинг эконометрик таҳлили» деб, номланган иккинчи бобида, Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденцияси, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланишини тренд моделлар асосида баҳолаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланишларнинг эконометрик таҳлили олиб борилган.

Статистик маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятида 2020 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 23726,8 млрд сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 9 374,3 млрд сўмни (106,0 %), чорвачилик маҳсулотлари – 14 352,5 млрд сўмни (101,4 %) ташкил қилган.¹⁴ Вилоятнинг ҚХМИЧ салоҳияти республикада салмоқли бўлиб, 2000–2020 йиллар давомида маҳсулот ҳажми бўйича улуши ортиб борган. Жумладан, 2000 йилда 7,3 фоиз улушга эга бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 9,5 фоизга тенг бўлган.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд ер ресурсларидан фойдаланишдаги ўзгаришлар уларнинг таркибидаги нисбатларни ўзгаришига олиб келган бу эса маҳсулот етиштириш ҳажми, унинг ўсиш суръатлариги ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мақсадида ҳар бир гектар экин майдонидан олинadиган даромадга эътибор қаратиб ўтдик (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилоятида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари¹⁵

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси			Қашқадарё вилояти		
	1	2	3	1	2	3
2010	30856,7	3708,4	8,3	1736,2	493	3,5
2011	32757,2	3601,6	9,1	1822,1	478,9	3,8
2012	35123,9	3628,1	9,7	1950,7	478,5	4,1
2013	37458,6	3658,6	10,2	2094,3	494,3	4,2
2014	39808,7	3678,2	10,8	2219,3	499,1	4,4
2015	42256,5	3694,2	11,4	2353,8	494,8	4,8
2016	44918,7	3706,7	12,1	2506,9	493,9	5,1
2017	45346,8	3474,5	13,1	2589,6	472,4	5,5
2018	45422,1	3396,0	13,4	2499,1	463,1	5,4
2019	46921,0	3309,4	14,2	2534,1	443,4	5,7
2020	48183,8	3373,4	14,3	2628,9	455,8	5,8

Бу ерда 1– ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 2010 йил

¹⁴ Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.

¹⁵ Манба: муаллиф ишланмаси.

нархларида, млрд сўм; 2– экин экилган жами майдон, минг га; 3– ҳар бир гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот миқдори, млн сўм. Маълумотларни йиллар кесимидаги таққосланувчанлигини таъминлаш мақсадида реал қийматларга ўтказилди.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра Республикада ҳар бир гектар ердан олинадиган даромад ҳажми 8,3 миллион сўмдан 14,3 миллион сўмгача ошган яъни 1,7 баробарга ўсиши кузатилган. Ушбу ўсиш қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш натижаси бўлиб, маҳсулот етиштириш ҳажми 1,6 баробарга ошган бўлишига қарамасдан экин майдонлари ҳажми 10 фоизга қисқарганлиги фикримиз тасдиғидир. Худди шу каби ҳолатни Қашқадарё вилоятида ҳам кузатиш мумкин, яъни экин майдони 10 фоизга қисқарган, маҳсулот ҳажми 1,5 баробарга ортган натижада ҳар бир гектар ерга тўғри келадиган маҳсулот миқдори 1,6 баробарга ошган.

Республикага қиёслаганда Қашқадарё вилоятида ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги анча паст бўлиб, йирик фарқни келиб чиқишида ҳудуднинг жойлашуви, унинг маҳсулот етиштиришга ихтисослашуви, етиштириладиган маҳсулотларнинг экин майдонлари улуши кабилар муҳим омиллар ҳисобланади.

Минтақанинг ишлаб чиқариш салоҳияти маълум бир тур маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг республика миқёсида шу турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидаги улушига асосланиб аниқланди ва мазкур кўрсаткич бўйича ишлаб чиқилган тренд модел натижаларига кўра, вилоятнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улушидаги ўзгаришнинг 62 фоизи даврий тебранишлар ҳиссасига тўғри келиши аниқланди.

Маълумотларга кўра 2010 йилда ҳар бир гектарга тўғри келадиган маҳсулотнинг реал қиймати 5,6 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 9,2 миллион сўмга тенг бўлгани ҳолда 1,64 баробарга ошган. Бундан кўринадикки қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг асосий қисми интенсив ўсишга тўғри келмоқда. Ушбу жараёни моделлаштириш натижасида эга бўлинган тренд модели кейинги даврда ҳар бир гектарга тўғри келадиган маҳсулотнинг реал қиймати ўртача 0.37 миллион сўмга ошаётганлигини кўрсатмоқда.

Вилояда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалиги асосий соҳалари, яъни деҳқончилик ва чорвачиликнинг улушини ўзгариб турганлиги ва анча беқарор бўлганлиги кузатилди. Биз ушбу ўзгаришларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини ўрганиш мақсадида ҳар бир гектарга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми билан аниқланган нисбат орасидаги боғлиқликни баҳоладик.

$$y = 6,14 * Sh + 0.8 * D \quad (2)$$

Бу ерда: y – ҳар бир гектарга тўғри келадиган ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реал қиймати (млн.сўмда); sh – чорвачилик улуши/деҳқончилик улуши (нисбат); D – дитту ўзгарувчи бўлиб, 2016 йилдан кейинги ўзгаришни ифодалаш учун қўлланилган.

Мазкур моделнинг коэффицентлари иккала соҳадаги нисбатнинг чорвачилик томонга 0.01 бирликка ошиши ҳар бир гектарга тўғри келадиган

қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг реал қийматини 6,14 миллион сўмга оширишга хизмат қилади. Ушбу нисбат фақат 2010–2015 йиллар учун ўринлидир. Моделга киритилган *dummu* ўғарувчининг олдидаги коэффицентнинг адекватлиги нисбатни кейинги даврда ошганлигини асосламоқда. Яъни 2016 йилдан кейинги даврда нисбатнинг чорвачилик ҳиссасига 0.01 бирликка ошиши ҳар бир гектарга тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг реал қийматини 6,94 (6.14+0.8) миллион сўмга оширишни таъминлайди. Бундан кўринадикки худудда чорвачиликни ривожлантириш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Бироқ, бу деқончиликни камайтириш керак деган хулосани бермайди ва иккала соҳани оптимал нисбатлардаги ривожини таъминлашни талаб қилинади. Чунки корреляцион таҳлил натижаларига кўра чорвачилик ҳамда деқончиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реал қийматлари орасидаги корреляция коэффиценти 0,81 га тенг бўлмоқда.

4-жадвал

Чорвачилик ва деқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тренд моделлари¹⁶

№	Модел	t-статистика	Детерминация коэффиценти
1.	$X_3 = 1274,06 + 80,06t - 367,98 * D$	b ₀ =49,73 b ₁ =15,86 b ₂ =-10,27	R ² =97
2.	$X_4 = 1301,43 + 105,41t$	b ₀ =41,97 b ₁ =23,05	R ² =98

Бу ерда: *t* – трендни ифодалайди, *D* – *dummu* ўзгарувчи

Чорвачилик ва деқончиликни кейинги даврдаги нисбатларини прогнозлаш мақсадида уларнинг тренд моделлари ва уларнинг адекват эканлигини инобатга олган ҳолда улардан фойдаланиб кейинги давр учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқдик (5-жадвал).

5-жадвал

Деқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичлари¹⁷

Йиллар	деқончилик маҳсулоти	чорвачилик маҳсулоти	Деқончилик маҳсулоти улуши	Чорвачилик маҳсулоти улуши	чорвачилик улуши/деқончилик улуши (нисбат)
2020	1776,6	2378,1	42,8	57,2	1,3
Прогноз кўрсаткичлари					
2021	1866,8	2566,4	42,1	57,9	1,4
2022	1946,8	2671,8	42,2	57,8	1,4
2023	2026,9	2777,2	42,2	57,8	1,4
2024	2106,9	2882,6	42,2	57,8	1,4
2025	2187,0	2988,0	42,3	57,7	1,4

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра минтақада чорвачиликни ривожлантириш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади, чунки айнан

¹⁶ Қашқадарё вилояти мисолида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁷ Қашқадарё вилояти мисолида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

чорвачиликнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир юқори эканлиги аниқланди. 2010–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожланиши анча беқарор бўлиб, дастлабки даврда иккала соҳанинг улуши тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб чорвачиликнинг улуши ошганлигини кузатиш мумкин. Прогноз натижалари эса 2020 йилдаги нисбат кейинги 5 йилда ҳам таъминланиб қолишини асосламоқда ва бу мавжуд нисбат иккала соҳани барқарор ривожини таъминловчи оптимал нисбат эканлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги тадқиқот натижалари минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини билдирмоқда. Бу эса вилоятда соҳани ривожлантиришнинг энг устувор омилларни умумлаштирган инфратузилма объектларини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бу ерда инфратузилма объектлари-эконометрик модел сифатида таркибий ўзгарувчилари натижавийликга кучли таъсир этувчи омиллардан иборат бўлишини мантиқан ўринлидир. Бунга эконометрик моделларни қуриш механизмини такомиллаштириш ёрдамида эришиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги чизиқли модел кўриб чиқилди:

$$Y = f(X_1, \dots, X_N), \quad X_i = \{x_{ij}\}, i = 1, \dots, N; j = 1, \dots, k(i), \quad Y = a_0 + \sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^{k(i)} a_j^{(i)} x_{ij} \quad (3)$$

(3) моделни оптимал аниқлашнинг мезони ва кўриниши қуйидагича таклиф этилди:

$$X_p = \left\{ x_p : x_p = \max_{\substack{|r_{ij}| \rightarrow 1, \\ r_{ij} \rightarrow 0, i \neq j}} \{x_{ij}\}, p, i = \overline{1, N}; j = \overline{1, k(i)} \right\} \quad Y = a_0 + \sum_{i=1}^N a_i x_i \quad (4)$$

Тадқиқот натижаларига кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни жуда мураккаб тизимни ташкил этишини ҳисобга олганда, моделнинг таркибий ўзгарувчиларини танлашда жараёни тизимлаштириш учун таъсир омилларининг янги талқиндаги классификациясини тузиш зарурияти келиб чиқди. Омилларни гуруҳлаш моделлаштириш жараёнини соддалаштиришга, эконометрик моделларни такомиллаштиришга бевосита хизмат қилади. Шу сабабли табиий, ёндош, таъминот, тасодифий омиллар негизида ижтимоий, иқтисодий, географик, демографик, экологик омилларни ўзида умумлаштирган моделларни ишлаб чиқиш учун омилларнинг 8 турдаги гуруҳини шакллантириб олдик. Бу гуруҳлар мос равишда Табиий, ёндош, таъминот, тасодифий, илм-фан ва инновацион, хизмат кўрсатиш, ижтимоий, ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий омиллар гуруҳи сифатида ажратилди. Бу ерда маълум бир гуруҳга тегишли бўлган омиллар ўртасида боғлиқлик даражаси ўзаро юқори эканлиги корреляцион таҳлил натижаларида исботланди. Бунинг учун умумий ҳолда жами 28 та омил ўртасида гуруҳли корреляцион таҳлил ўтказилди. Натижада (4) шартни қаноатлантирувчи қуйидаги моделлар таклиф этилди.

1) Умумлашган чизиқли эконометрик модел (чизиқлаштирилган)

$$Y = A_0 + A_1x_1 + A_2x_2 + A_3x_3 + A_4x_4 + A_5x_5$$

$$\left(\ln Y = \ln A_0 + \sum_{i=1}^5 A_i \ln x_i \right) \quad (5)$$

бу ерда x_1 – ижтимоий кўрсаткич, x_2 – иқтисодий кўрсаткич, x_3 – географик кўрсаткич, x_4 – демографик кўрсаткич, x_5 – экологик кўрсаткич.

